КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЎСТИРИШДАГИ АГРОТЕХНИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Мирзабдуллаев Ғолибжон Нурали ўғли
Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти докторанти
mirzabdullayevgolibjon@gmail.com
Хабибуллаев Холжўра Абдухалил ўғли
Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти докторанти
xoljuraxabibullaev@gmail.som
Худойбердиева Шахноза Давлатовна
Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти докторанти
mpro3023@gmail.som
https://doi.org/10.5281/zenodo.7683659

Аннотация: Тажрибада тажриба даласининг бир қисми кузда яъни сентябр ойининг иккинчи ўн кунлигида сифатли шудгорланиши ва ўсимлик қолдиқларидан тозаланиши ва ерга асосий ишлов берилилиши ҳамда буғдой экишга ер сифатли тайёрланиб, экиш ишлари минтақа учун мақбул бўлган октябр ойининг иккинчи, учунчи декадасида ўтказилган агротехник тадбирлар амалга оширилганлиги ушбу мақолада тавсифланган.

Таянч сўзлар: Ўтмишдош экинлардан тозалаш, кузги юмшоқ буғдой навлари андоза навлар, ўсиш-ривожланиш фазалари давомийлиги, ҳосилдорлиги, ташқи муҳит омилларига бардошлилиги, биометрик кўрсаткичлари, донининг технологик сифат кўрсаткичлари

Аннотации: В опыте в этой стате описано, что част опытного поля была вспахана осеню, т.е. во второй декаде сентября, и очищена от растителных остатков, и проведена основная обработка земли.

Ключевые слова: Очистка от предыдущих посевов, моделные сорта озимой мягкой пшеницы, продолжителност фаз роста и развития, урожайност, устойчивост к факторам внешней среды, биометрические показатели, технологические показатели качества зерна.

Абстраст: In the experiment, it is described in this article that a part of the experimental field was plowed in autumn, i.e. in the second ten days of September, and cleared of plant residues, and the main tillage of the land was carried out.

Key words: Cleaning from previous crops, model varieties of winter soft wheat, duration of growth and development phases, productivity, tolerance to external environmental factors, biometric indicators, technological quality indicators of grain

Кириш

Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг суғориладиган майдонларида етиштирилаётган кузги юмшоқ буғдой навлари етарли ҳосилдорлик хусусиятига эга, бироқ кейинги йиллардаги глобал иқлим ўзгариши ёки ташқи мухитнинг стресс омиллари ҳосилнинг бир маромда етилишига ва дон сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Шу туфайли селекционер олимларимиз олдидаги талаб икки маротаба ортиб, улар ҳосилдор ва дон сифат кўрсаткичлари юқори ҳамда ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига мос навлар яратиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. [1]

Шу билан бир қаторда, Республикамизнинг ҳар бир минтақасининг тупроқ-иқлим шароити учун мос бўлган навларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш мухимдир. Бунинг учун дунё генофонди намуналари билан бирга маҳаллий навлардан фойдаланган ҳолда кузги буғдойнинг занг касалликларига, қурғоқчиликка, шўрга, заракунандаларга чидамли, оқсил миқдори ва клейковина кўрсаткичи юқори дурагай авлодларни яратиш зарур.

И. Эгамов, И. Адашев, Г. Мамадалиева ва М. Атабаевалар нинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, 15 октябрда экилган навлар орасида ҳосилдорлик кўрсаткичи “Звезда” навида 74,1 центнер, “Старт” навида 72 центнер, “Ризқ” навида 71 центнер ва “Юка” навтда 75 центнерни ташкил этди. Бу натижадар шуни кўрсатадики, эртапишар навларни ўрта муддатларда экиш юқори ҳосил олишни таъминлайди. [2; 20 б]

О. Амирқулов, А. Рамазанов, А. Мейлиев ва Ш. Сармановлар олиб борган илмий-тадқиқотларида назорат вариантда маҳсулдор поялар сони 390 та ни ташкил этган, суспензия 6% + гербицид + инсектицид + фунгицид қўлланилган вариантда маҳсулдор поялар сони энг юқори кўрсаткични қайд этди, яъни 556 дона. [3; 25 б]

Навларнинг дон хосилдорлиги ва унинг сифат кўрсаткичлари кўп жиҳатдан экинга қўлланиладиган агротадбирларга ҳам боғлиқ. Шу сабабли ушбу тадбирларни бажарилиши энг самарали муддат ва меъёрларда, илмий асосланган бўлиши талаб этилади.

Такрорий экинлар йиғиштириб олинганидан сўнг далани дастлаб ўтмишдош экин қолдиқларидан ҳамда бегона ўтлардан тозаланди. Шудгорлаш ишлари Класс Доминатор тракторига тиркама усулида боғланган ПЯ-3-35 плугида амалга оширилди. Асосий ишлов олдидан минерал ўғитлар МТЗ-80 тракторига тиркама қилинган НРУ-05 мосламаси ёрдамида амалга оширилди.



1-жадвал

Дала ишлари тартиби

№	**Иш тури**	**Агрегат**	**Бажарилган муддати**
1	Ўтмишдош экинлардан тозалаш.	қўлда	20-25.09.2021
2	Хайдов олдидан асосий ўғитлашни ўтказиш	НРУ-0,5, ТТЗ-80-10	26.09.2021
3	Тупроқни шудгорлаш, бараналаш, мола босиш, экишга тайёрлаш.	КЛАСС пулуг, ТТЗ-80.11 барана, ГР-2.7 длинабаза,	10-15.10.2021
4	Нав ва намуналарни экиш	СН-16 сеялка	19.10.21 й
5	Суғориш	қўл кучи	20.10.21 й 25.02.22 й 25.03.22 й 28.04.22 й
6	Ўғитлаш, озиқлантириш	НРУ-500, қўлда	24.02.22 й 23.03.22 й 30.03.22 й 25.04.22 й
7	Бегона ўтларга қарши кураш	Қўлда	16.03.22 й 22.04.22 й
8	Ҳосилни йиғиштириш	Винтерстайгер	20-21.06.22 й

Тажриба даласининг бир қисми кузда яъни сентабр ойининг иккинчи ўн кунлигида сифатли шудгорланди. Ўсимлик қолдиқларидан тозаланди ва ерга асосий ишлов берилди. Сўнгра буғдой экишга ер сифатли тайёрланиб, экиш ишлари минтақа учун мақбул бўлган октябр ойининг иккинчи, учунчи декадасида ўтказилди амалга оширилди.

Тажрибаларда 4 та қайтариқда ва экиш меъёрилари гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида, экиш чуқурлиги 4-5 см. белгиланиб, СН-16, СКС-7-10 русумли селекцион сеялкаларда экилди. Ўсимликни вегетация даври давомида тажриба даласида суғориш, озиқлантириш, бегона ўтларга қарши курашиш, нав аралашмаларидан тозалаш ишлари ўтказилди.

Хулоса

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти тажриба даласига ўртача соф ҳолда гектарига Н-180-210 кг, Р-90 кг, К-60 кг, миқдорида минерал ўғитлар берилди. Тупланиш даврини бошланишида 100 кг. азотли ўғитлар ўсимликларнинг қишловдан чиқиш даврида эрта баҳорда 250 кг, найчалаш даври бошида 150 кг миқдорида қўлланилди. Фосфорли ва калийли ўғитлар 100 фоиз кузда асосий ишлов олдидан солинди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.2018й. ПҚ-3574-сон "Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. - Тошкент. 2018.

2. Амирқулов О, Рамазанов А, Мейлиев А, Сарманов Ш. Кузги буғдой тупланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичларига суспензия ва пестицидларнинг таъсири// “Агроилм” журнали. Тошкент 2014. 4-сон. 25 б.

3. Эгамов И, Мелибоев М, Қодирова М. Кузги юмшоқ буғдой селекцияси учун қимматли бирламчи материаллар// “Ўзбекистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитига мос юқори сифатли ҳосилдор бошоқли дон экинлари навларини яратиш уларни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш истиқболлари” мавзусидаги амалий конференцияси мақолалар тўплами. Андижон 2012. 35 б.